

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 йил 10 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қарори ҳақида

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 йил 10 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Козимджан Фазилович Камилов беш йил муддатга, Кароматжон Худайберганоўна Давлетова беш йил муддатга, Рахат Аминбаевич Исмаилов беш йил муддатга, Жанагул Исмаиловна Балкибаева беш йил муддатга, Асқаржон Бойисович Гафуров ўн йил муддатга, Абдуманноб Кузиевич Рахимов беш йил муддатга, Акмал Эргашевич Раҳманов беш йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси лавозимига сайланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ушбу Қарорга мувофиқ, К.Ф.Камилов 2022 йилнинг 11 августидан, А.Б.Гафуров, Ж.И.Балкибаева, К.Х.Давлетова, Р.А.Исмаилов, А.К.Рахимов, А.Э.Раҳмановлар эса, 2022 йилнинг 24 августидан Конституциявий суднинг судьяси сифатида ўз фаолиятларини бошлаган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди**

Тошкент ш.,
2022 йил 24 август,
КСҚ-6-сон

**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг
ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди
раисининг ўринбосарини сайлаш тўғрисида**

1. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисидаги” Конституциявий қонунининг 18-моддасига мувофиқ, Аскаржон Бойисович Гафуров Конституциявий суд раисининг ўринбосари лавозимида беш йил муддатга сайлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди**

**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг
ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьялари
К.Х.Давлетова, А.К.Рахимов ва А.Э.Рахмоновларга
Биринчи малака даражасини бериш тўғрисида**

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 10-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьясига Биринчи малака даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ Конституциявий суд

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Конституциявий суднинг судьялари Кароматжон Худайбергандовна Давлетова, Абдуманноб Кузиевич Рахимов ва Акмал Эргашевич Рахмановларга Биринчи малака даражаси берилсин.

2. Ушбу Қарор Конституциявий суд расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди**

Тошкент ш.,
2022 йил 24 август,
КСҚ–8-сон